

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил январь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди, Янгийўл тумани, Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини биносида сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: Б.Миралимов, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Жўракуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгийўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ю.Абдуллаева, судланувчи А.Машрапов ва унинг ҳимоячиси “QONUN” адвокатлик фирмасининг адвокати Т.Шерхоноваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланиб судга берилган

_____ Янгийўл шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, “Global Komscо Daewoo” МЧЖда ҳайдовчи, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Мустақиллик м.ф.й, Пахта кўчаси 9-уйда яшовчига нисбатан «гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, _____

сонли ишни қўриб чиқиб,

суд судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

_____ 2021 йил 16 октябрь куни соат 20:00да, “GLOBAL KOMSCO DAEWOO” МЧЖга тегишли бўлган “ISUZU SAZ” русумли, давлат рақам белгиси _____ бўлган автобусни йўл varaқаси асосида бошқариб, Янгийўл тумани ҳудудидан ўтган, М-34 халқаро автомобиль йўли бўйлаб Янгийўл шаҳри томондан Чиноз туманига 60 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётиб, ушбу автомобиль йўлининг 34-километрида амалдаги «Йўл ҳаракати Қоидалари»нинг 11-банди «г» кичик қисмига кўра, «ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур»лиги, 77-бандига кўра, «ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши



имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги ҳамда 111-бандига кўра, «тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёда(лар)га қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак”лиги ҳақидаги талабларини кўпол равишда бузиб йўналишига нисбатан автомобиль йўлини чап томонидан ўнг томонига тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракатланиб ўтаётган, пиёда, 15.07.1962 йилда туғилган, [REDACTED] бошқарувидаги автобусни олд чап қисми билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, пиёда [REDACTED] олган оғир тан жароҳатлари билан ҳодиса содир бўлган жойда вафот этган.

Суд-тиббий экспертизасининг 15.11.2021 йилдаги 238-М-сонли хулосасига кўра, пиёда [REDACTED] ўлими йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган оғир тан жароҳатлари сабаб бўлганлиги аниқланган.

Суд-автотехника экспертизасининг 22.11.2021 йилги 1077-сонли хулосасига кўра, ҳаракатга хавф пайдо бўлгандан ҳайдовчи ҳодиса жойида 60 км/соат тезликда ҳаракатланган “ISUZU SAZ” автобусини ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятига эга бўлганлиги, ҳайдовчининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати Қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлганлиги тасдиқланган.

Судланувчи [REDACTED] **судда** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, “Global komsco daewoo” МЧЖга тегишли бўлган “Исузу” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автобусни 4 нафар ҳайдовчилар алмашиб бошқариб келишлигини, 2021 йил 16 октябрь куни соат 19:50ларда ишхонани одамларини йиғиш учун бошқарувида бўлган “Исузу” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автобусда Янгийўл шаҳри томондан Чиноз тумани томонга 60 км/соат тезлик билан бошқариб йўлининг ўнг бўлагиди ҳаракатланиб кетаётганида чап томонидан автомашиналар ўтиб кетаётганлигини, тахминан 100-150 метр масофада светофорнинг яшил чироқларини ёнганлигини кўрганлигини ва чап томонидан “Спарк” автомашинаси ҳаракатланиб келиб қувиб ўтиб светофордан ҳам ўтиб кетганлигини, ушбу автомобиль йўли бетон бардюор билан ажратилган бўлиб қарама-қарши томонда ҳам автомашиналар ҳаракат борлигини, у ушбу светофор чироқларида пиёдалар ўтиш жойига яқинлашиб қолганида йўлнинг ўнг четида марза қисмида турган икки нафар пиёдаларни кўрганлигини, одамлар ўнг томондан кўпроқ чиққанлиги сабабли биринчи ўнг томонга қараганлигини, сўнг чапга қараганида одам йўқлигини, яна ўнгга қараганлигини, сўнг яна чапга қараганида чап томондан ҳаракатланиб



юриб келган ёши тахминан 60 ларда бўлган пиёдани кўриб бирданига автобусни тормоз тизимини босганлигини ва пиёдалар ўтиш йўлагидан чап томондан ўнг томонга ҳаракатланиб ўтаётган пиёдани автобусни олди ўнг қисми билан уриб юборганлигини, пиёдани уриб юборгандан сўнг шу жойнинг ўзида тўхтаганлигини, сўнг бир унга нотаниш бўлган "Нива" русумли автомашинада пиёдани шифохонага олиб борганлигини, шифохонага олиб борган вақтида пиёда вафот этганлигини билганлигини, жабрланувчи [REDACTED] қариндош уруғларидан кечирим сўраб, унинг дафн ва бошқа маросимларига моддий ёрдам кўрсатганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг қарамоғида ёш фарзандлари борлиги, оилада ёлғиз боқувчилигини эътиборга олиб унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби жиноят иши юзасидан тўпланган қуйидаги ҳужжатлари билан ҳам тўлиқ ўз исботини топган.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судда [REDACTED]

[REDACTED] қайни отаси бўлганлигини, улар билан бирга яшашлигини, 2021 йил 16 октябрь соат 10:00ларда қайни отаси тўйга кетганлигини, шу куни кеч соат 21:00ларда қайни отасининг укаси [REDACTED] телефон қилиб, қайин отаси автоҳалокатга учраб шифохонада вафот этганлиги ҳақида хабар берганлигини, шу куни тушлик вақтига [REDACTED] дафн маросимини ўтказганлигини, дафн маросимида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчи [REDACTED] яқин қариндошлари келишиб моддий ёрдам кўрсатиб маракалар ўтказиб беришганлигини, ҳозирги кунда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъво эътирозлар йўқлигини, чунки у қайин отасини бошқа маркаларини ҳам ўз ҳисобидан ўтказиб келаётганлигини, унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судда, мархум

[REDACTED] уни отаси бўлишлигини, 2021 йил август ойининг охирларида Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида кетганлигини, Қозоғистон Республикасида ишлаб юрган вақтида қариндошларидан йўл-транспорт ҳодисасида отаси [REDACTED] вафот этганлигини эшитиб шу куни кечаси Қозоғистон Республикасидан уйига келганлигини, эртаси куни отасини дафн маросимини ўтказганлигини, ҳозирги кунда ушбу содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси юзасидан ҳайдовчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъво эътирозлар йўқлигини, ҳайдовчи отасини барча маракаларни ўз ҳисобидан ўтказиб берганлигини, унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Бундан ташқари судланувчи [REDACTED] айби йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан суриштирув ҳужжатлар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, йўл-транспорт ҳодисаси чизмаси ва фотожадвали, судга оид тиббий, автотехника экспертиза хулосалари ва иш бўйича тўпланган бошқа иш ҳужжатлари билан тўлиқ исботланган.



Суд юқорида баён этилганларга кўра, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] айби транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб одам ўлишига сабабчи бўлганда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги ҳамда Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракатлари ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлилиги ҳақидаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчининг жиноий қилмиши оқибатида оғир оқибат яъни одам ўлганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, судланувчининг оилалиги, қарамоғида ёш фарзандлари борлиги, оилада ёлғиз боқувчилиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонда эканлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жабрланувчининг дафни ва бошқа маросимларини ўтказиб бериб, унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатганлигини жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни ҳақидаги фикрларини, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ЖК 72-моддасини қўллаб жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчининг қонуний вакилига мазкур жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни



судланувчидан ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 1 (бир) йил муддатга ҳар хил турдаги транспорт воситаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

_____ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазони шартли ҳисоблаб 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Тайинланган ҳар турдаги жазолар алоҳида-алоҳида ижро эттирилсин.

_____ хулқи устидан назорат олиб бориш унинг турар жойи бўйича ИИБси зиммасига юклатилсин.

_____ яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан шу органлардан рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик мажбурияти юклатилсин, шунингдек, унга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 6 ва 8-қисмларида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Манфаатдор тарафларга мазкур жиноят натижасида соғлиғига ва бошқа етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчидан ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, маҳкум ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Миралимов

Аслига тўғри:

